# 1.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 220 (20. 188) • 1988 йил 24 сентябрь • шанба

Баҳоси 3 тийин.

*КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!*

## ҒОЯВИЙ ФРОНТ ЖАНГЧИЛАРИ

*Бугун — пропагандистлар куни*

**Бугун партия ташкилотларида ғоявий фронтнинг фидойи жангчиларини — ғоявий мураббийларни шарафлайдилар. Масъулиятли топшириқни бажара бориб, партиянинг даъваткор сўзини одамлар онгига етказадиган, тушунтириб берадиган пропагандистлар шаънига илиқ гаплар айтилади. Ана шундай ҳурматга сазовор кишилар орасида Конимех районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози бухгалтери Нуриддин Каримов ҳам бор. У уч йилдан бери иқтисодий таълим мактабида пропагандист. Пропагандистлик чуқур билим, ишонтириш санъатини, қунт ва маҳоратни талаб қилади. Совхоз коллектив ва звено пудратига ўтгач, иқтисодий таълимга эҳтиёж янада ошди. Тингловчилар янги усулнинг моҳиятини, афзалликларини чуқур билишни истайдилар. Шу боис Н. Каримовга ҳар бир машғулотни самарали ўтказиш, тингловчилар саволларига пухта жавоб бериш учун ўз устида кўп ишлашига, ўқиб-ўрганишга тўғри келяпти.**

**Республикамизда унга ўхшаган пропагандистлар кўп. Шундайларнинг ғайрат ва садоқати туфайли бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқишни яхшилаш тадбирларининг комплекс планларини ишлаб чиқиб амалга оширмоқдалар. Шуниси қувонарлики, бу ишга партия комитетларининг биринчи секретарлари бошчилик қиляптилар. Пропагандистлар аттестациядан ўтказилмоқда. Ўқишни қайта қуриш қандай бораётганлиги область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари ва бюроларида кўриб чиқилмоқда.**

**Сиёсий ва иқтисодий ўқишни қайта қуришда, табиийки, бош фигура пропагандистдир. Негаки, КПСС Марказий Комитетининг ўқишни демократиялаш тўғрисидаги йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш, унинг формалари ва курсларини танлаб олиш кўп жиҳатдан пропагандистнинг маҳорати ва салоҳиятига боғлиқ. Пропагандист тингловчиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олиши лозим. У машғулотларда мунозара, рўй-ростлик ҳамда долзарб муаммоларни манфаатдорлик билан муҳокама қилиш муҳитини вужудга келтириши керак. Пропагандист шунга эришиши зурурки, марксча-ленинча таълим ташкилий, иқтисодий ва сиёсий тадбирлар билан биргаликда инсон омилини активлаштиришга, конкрет жой ва меҳнат коллективини социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштиришга кўмаклашсин.**

**Партиянинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциясида шундай дейилади: «Конференция қайта қуришнинг назарий хазинасини кўпайтиришга, идеология ишини яхшилашга, уни қолоқликдан, сафсатабозликдан ва андозачиликдан халос қилишга, унинг мазмуни ва руҳини турмуш реалликларига мувофиқлаштиришга, одамларни қизиқтирадиган ҳамма масалалар юзасидан улар билан сидқидилдан, бевосита гаплаша олиш маҳоратига принципиал аҳамият беради». Хўш, шу нуқтаи назардан қарасак, пропагандистларимиз партия талабларига тўла жавоб беряптиларми! Улар одамлар билан сидқидилдан гаплаша олиш маҳоратини эгаллашганми! Тингловчиларни ўз жавоблари билан қониқтиришмоқдами! Афсуски, ҳамма жойда бунга эришиляпти, деб бўлмайди. Машғулотларда социалистик қурилиш, тарих, сиёсий системани, маънавий турмушни ривожлантириш муаммолари кўпинча бир томонлама, салбий талқин этилмоқда. Айрим пропагандистлар марксча диалектикани, янги партия ҳужжатларининг моҳиятини ўзлаштира олмай, консерватив, догматик тафаккур асири бўлиб қолмоқдалар, буни тингловчиларга ҳам юқтирмоқдалар. Уларда баъзан марксизм-ленинизмни бузиб кўрсатишга, обивателларча кайфиятга қарши курашда билим, принципиаллик етишмаяпти.**

**Иш манфаатлари, қайта қуришнинг мураккаблашиб бораётган вазифалари кадрларнинг марксча-ленинча тайёргарлигини, уларни ғоявий-маънавий чиниқтиришни яхшилашни, уларда юксак сиёсий маданиятни, интеллектуал қадр-кимматни, одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш кўникмаларини талаб қилмоқда. Коммунистлар, шу жумладан, пропагандистлар ҳамма жойда ва ҳар ишда қайта қуришнинг эътиқодли курашчилари бўлишлари тингловчилар орасида ишлай олишлари, танг вазиятларда ҳам партия йўлини принципиаллик билан ҳимоя қилиб, экстремистик, миллатчилик ва социализмга қарши, социализмнинг реал ютуқларини йўққа чиқаришга ҳар қандай уринишга қатъий зарба беришлари зарур.**

**Пропагандист айни пайтда демократиялаш ва ошкоралик шароитида бунёдкорлик ишига қаратилган ижтимоий онгни тарбиялашга даъват этилгандир. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрўсини ҳамма жойда қарор топтиришга, ишлаб чиқаришнинг чинакам новаторлари ва илғорларининг маънавий-сиёсий обрўсини оширишга, ҳар бир кишида ҳозирги даврга мос равишда сифатли ва самарали ишлашга табиий эҳтиёж уйғотишга кўмаклашиш — пропагандистларнинг шарафли бурчидир.**

**Кўриниб турибдики, революцион янгиланиш даври пропагандист кадрлар зиммасига ҳам катта вазифаларни юкляпти. Шу боис партия комитетлари пропагандистларни танлаш, тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан астойдил шуғулланишлари — биринчи даражали вазифалардандир. Чунки, тингловчиларнинг онги ва қалби шуларга ишониб топширилади. Пропагандистлар составини, энг аввало, олимлар ва мутахассислар, партия ва совет ходимлари ҳисобига, партия мактабларини, марксизм-ленинизм университетларини, олий ўқув юртлари ижтимоий факультетларини, малака ошириш институтларини битириб чиққан кишилар ҳисобига яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Уруш ва меҳнат ветеранларининг тажрибаси ва билимидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Вазифа — кенг ошкоралик шароитида, совет кишиларининг билимдонлиги, хабардорлиги ошган, социал-сиёсий турмушда жўшқин ўзгаришлар рўй бераётган шароитда ишлай оладиган янги типдаги пропагандистни тарбиялашдан иборат.**

**Пропагандистларнинг ўз устида мустақил ишлашларига ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш, уларни ўзлари ишлайдиган тармоқнинг, яшайдиган район ва областнинг ишлари тўғрисидаги пишиқ-пухта ахборотлар билан таъминлаш ҳам партия комитетларининг вазифасидир. Айни пайтда ўқув программалари, методик ва справочник адабиётлар, статистик маълумотларни етказиб туришни ҳам унутмаслик лозим. Республикамизда ўндан зиёд сиёсий маориф уйи, бир неча марксизм-ленинизм университети, уч юзга яқин партия кутубхонаси бор. Булар пропагандистлар учун асосий моддий-техника базасидири-ки, улар ҳам ўз навбатида реконструкциялашга муҳтождир. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда ижтимоий-сиёсий ишлар марказларини ташкил қилган наманганликлар тажрибаси диққатга сазовордир.**

**Партия сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Унга пухта тайёргарлик кўриш барча партия ташкилотларининг, пропагандистларнинг энг муҳим вазифаларидандир. Шунга эришайликки, бугунги Пропагандистлар куни ҳам ана шу муҳим воқеага тайёргарликнинг қандай бораётганлигини жиддий имтиҳондан ўтказадиган талабчан кўрикка айлансин.**

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 22 сентябрь куни бўлиб ўтган ўз мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Красноярск ўлкасига қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

М. С. Горбачевнинг ўлка меҳнаткашлари билан рўй-ростлик вазиятида бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлари улар партиянинг қайта қуришни чуқурлаштириш ва муқаррар тус олдириш йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди. Шу билан бирга, таъкидлаб ўтилдики, ҳали жойларда ташаббус суст ривожланмоқда, тайёрга айёрлик кайфиятлари кучли. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига етарли эътибор берилмаяпти. Шу масалаларни ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилиш марказий ва маҳаллий партия ташкилотларининг, совет органлари ва меҳнат коллективларининг Красноярск ўлкасини жадал суръатда иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини амалий равишда ҳал этиш соҳасидаги фаолиятини кучайтиришга кўмаклашди.

Сиёсий бюро марказий иқтисодий идоралар ва министрликларнинг раҳбарлари бўлган коммунистларга, ўлканинг партия ва совет органларига уй-жой қурилишини яқин вақт ичида анча жадаллаштириш ва социал-маданий соҳанинг моддий базасини ривожлантириш, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, экологик вазиятни соғломлаштиришга, ёқилғи-энергетика, ўрмон ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишга эришиш учун Красноярск ўлкасини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг конкрет масалаларини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқлар берди.

Ўлка партия ва совет органлари, раҳбар кадрлари аҳолининг кундалик эҳтиёжларига муносабатни тубдан ўзгартиришлари, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, тезроқ қондирилишини таъминлашлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Сиёсий бюро мажлисида министрликлар ва идораларнинг, маҳаллий хўжалик органларининг ўлка экономикасини, айниқса социал соҳани комплекс ривожлантириш, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш борасидаги иши қаттиқ танқид қилинди, бу нарса Шарқий Сибирнинг ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётига халақит бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия ва хўжалик органларига ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш таклиф этилди.

Красноярскда халқаро масалалар юзасидан баён этилган позиция, Осиё — Тинч океан регионида тинчлик, ўзаро хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид янги таклифлар Владивосток ташаббусини янгича тафаккур руҳида изчиллик билан ривожлантиришдан иборат эканлиги мажлисда уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига мувофиқ СССР Министрлар Совети тақдим этган концепцияси лойиҳасини кўриб чиқди.

СССР Фанлар академиясининг кўпгина илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ институтлари, халқ хўжалиги турли соҳаларининг мутахассислари кенг иштирокида ишлаб чиқилган концепция келгуси ўн беш йилга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланишнинг Асосий йўналишларини ҳамда ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш учун негиз бўладиган асосий сиёсий-хўжалик платформани таърифлаб бериши лозимлиги қайд этилди. Бу концепцияда партиянинг КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий стратегияси XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқлари ҳисобга олиниб конкретлаштирилиши, мамлакатнинг 2005 йилгача ва келгуси даврнинг айрим босқичларида эришилмоғи лозим бўлган асосий марралар белгилаб қўйилиши керак.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ҳукумат тақдим этган вариантларни қиёсий таҳлил этиш асосида социал сиёсатни амалга оширишда аҳолини озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматлар билан, уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлашни ва маорифни ривожлантириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сингари биринчи галдаги вазифаларни ҳал этишга ресурсларни имкони борича кўпроқ марказлаштириш зарурлигига асосланиб иш тутиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бу иш ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва интенсивлашнинг ташкилий-хўжалик ва социал резервларини тўла-тўкис ишга солиш имконини беради.

Партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишнинг бир неча вариантларини кўриб чиқиш концепция лойиҳасининг муҳим хусусиятидир, бу вариантлар мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг конкрет вазифаларини ҳал этиш суръатлари ва йўллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ҳамма вариантларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳисобига экономиканинг самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашга нисбатан юксак талаблар қўйилади. Социалистик экономикани бошқаришни янада такомиллаштириш, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган сиёсий соҳадаги ўзгартишлар асосида совет кишиларининг меҳнат ғайратини ва социал активлигини ривожлантириш кўзда тутилади.

Сиёсий бюро концепция лойиҳасини асосан маъқуллаб, муҳокама вақтида айтилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, шу ҳужжат устидаги ишни давом эттиришни ва сўнгра уни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми муҳокамасига тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Во Ти Конг билан суҳбати ва А. А. Громиконинг у билан ўтказган музокаралари якунларини кўриб чиқиб маъқуллади. Во Ти Конг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстлик визити Совет — Вьетнам муносабатларини янада чуқурлаштиришга, СССР билан ВСР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, иккала мамлакатнинг халқаро майдондаги ҳаракатларини, Осиё — Тинч океан регионида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашини мувофиқлаштириб туришни кучайтиришга қаратилган муҳим қадам эканлиги қайд этилди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Афғонистон Республикаси Бош министри М. Ҳ. Шарқ билан учрашуви, Н. И. Рижковнинг у билан музокаралари якунлари муҳокама қилиниб маъқулланди. Президент Нажибулло бошчилигидаги Афғонистон раҳбариятининг миллий ярашга, кенг коалицияни вужудга келтиришга эришишга, Афғонистонни халқаро турмушга тўла-тўкис қўшишга қаратилган куч-ғайратлари қатъий қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Женева битимларига Покистон билан АҚШнинг ҳалол риоя этиши зарурлиги уқтириб ўтилди. СССР билан Афғонистон Республикасининг анъанавий дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга интилаётганликлари мамнуният билан қайд этилди.

А. А. Громиконинг Финляндия Бош министри Х. Холкери СССРга норасмий визит билан келган вақтида у билан ўтказган суҳбати ва Н. И. Рижковнинг музокаралари натижалари маъқулланди. Юқори даражадаги янги Совет — Финляндия учрашуви томонларнинг иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома амал қилиб келаётган 40 йил мобайнида вужудга келган муносабатларда ҳамжиҳатлик, ишонч ва яхши қўшничилик имкониятларини янада мустаҳкамлашга интилишини тасдиқлади. Ўтказилган музокаралар Совет — Финляндия савдосида ва умуман иқтисодий алоқаларида эришилган юқори даражани сақлаб қолишдан, ҳамкорликнинг янги, янада самарали усулларидан актив фойдаланиш йўлларида шу алоқаларни ривожлантиришнинг ишончли истиқболларини таъминлашдан ҳар иккала томоннинг манфаатдорлигини аниқлаб берди.

Сиёсий бюро Л. Н. Зайковнинг Болгария Халқ Республикасига қилган амалий визити якунларини кўриб чиқиб, Москва ва София партия ташкилотларининг ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида эришилган конкрет аҳдномаларни маъқуллади. Визит давомида муҳокама қилинган Совет — Болгария ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги масалалари тегишли министрликлар ва идораларнинг кўриб чиқиши учун топширилди.

Мажлисда КХДР ташкил этилган куннинг 40 йиллиги байрамида қатнашган Совет партия-ҳукумат делегациясининг визити натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди. В. М. Чебриковнинг КМП Марказий Комитети Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан учрашуви якунлари маъқулланди, бу учрашув чоғида Совет — Корея дўстона муносабатларини янада чуқурлаштиришга, СССР билан КХДРнинг халқаро ишлардаги баҳамжиҳат ҳаракатларини кенгайтиришга иккала томоннинг интилаётганлиги таъкидланган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партия ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари юзасидан қарорлар қабул қилди.

## ВАТАН АДАБИЁТИНИНГ ДАҲОСИ

Улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой — бутун оламни бир одам умрига сиғдира олган улкан истеъдод соҳибидир. Бадиий сўз сўнмас дурдоналарини яратган адиб жамиятнинг социал тараққиёти учун зўр куч-ғайрат билан курашди, қуллик ва эксплуатацияга қарши чиқди, халқ оммасининг жуда катта бунёдкорлик кучларини уйғотди.

Л. Толстой ўз асарларида шунчалик кўп улкан масалаларни ўртага қўя олдики, шунчалик юксак даражада бадиий қудратга эриша олдики, унинг асарлари жаҳон бадиий адабиётида олдинги ўринлардан бирини эгаллади, — деб ёзган эди В. И. Ленин. Бугунги кунда ҳам Ватан адабиёти даҳосининг теран инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган асарлари замондошларимизни тарбиялашга хизмат қилиб, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилашга кўмаклашмоқда.

Рус диёрининг буюк фарзанди Лев Николаевич Толстой таваллуд топган кундан буён орадан 160 йил ўтди. 22 сентябрь куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган тантанали кеча ана шу шонли санага бағишланди.

М. С. Горбачев, Л. Н. Зайков, А. Н. Яковлев ўртоқлар президиумдан жой оладилар. Машҳур ёзувчилар, олимлар, санъат усталари, меҳнат коллективларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, чет эллик меҳмонлар ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар.

Биз адолат юзасидан бу йилни Лев Толстой йили, деб атай оламиз, деди кечани оча туриб СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Г. М. Марков. Лев Николаевич Толстой рус халқининг фахри, бутун инсониятнинг шуҳрати бўлиб келганлигини ва шундай бўлиб қолишини юбилей йили кўрсатди. Бугунги кунда ҳам у одамларни ўз бадиий асарларининг мўъжизакорлиги ва ҳақиқатига ошно этиб, уларга ўзини-ўзи камол топтириш сари олиб борадиган йўлни танлашда ёрдам бериб, ҳозирги мураккаб ва зиддиятли дунёда инсонпарварлик ва тинчликсеварлик муҳитини вужудга келтиришга таъсир кўрсатиб, инсонларнинг қалбида ҳамон яшамоқда.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. В. Бондарев «Толстой ҳақида сўз» мавзуида доклад қилди.

Тарихда шундай номлар борки, бизнинг ҳаётимиз ана шу номлар белгиси остида кечади, деди у.

Толстой дунёга келиб, заминдаги касалликларга чалиниб, ўзини ҳам ва азоб чекаётган кишиларни ҳам астойдил ва бутун вужуди билан даволашни истаган даҳо сингари дунёга келди. Толстой — асрнинг қиёфаси бўлган улуғ санъаткордир.

Биз заминда яшовчи барча кишилар, ҳаёт деб аталувчи ягона мазмунга эга бўлган ягона китобни ўқиймиз. Инсон босиб ўтган йўлни акс эттирувчи китоб битмас-туганмас қийинчиликларни бартараф этишдан иборат. Биз ўзимизга-ўзимиз миллион марталаб шундай саволни берамиз: ноаниқ қувончли ибтидо билан бошланадиган ва тузатиб бўлмас фожиа билан тугайдиган мана шу турмуш китобининг моҳияти нимада? Унинг ғояси қандай? Нимани кўзлаб ҳар биримиз ана шу китобни ёзамиз?

Лев Толстой умрбод одамларни турмушни ва бирбирларини ташқи сезгининг қўпол, чалкаш, алдамчи воситаси — беш хил сезги билан эмас, балки ҳаммани бирлаштирувчи теран муҳаббат билан севишга ўргатишни истаб ва қийналиб, шунга жавоб излади. Ҳаётнинг илоҳиятини қандай қилиб излаш ва унга амал қилиш керак? Адолатсизлик кишанларини қандай қилиб парчалаб ташлаш керак? Толстой зўравонлик бор экан цивилизация зарур бўлган томонга йўл олмай, балки «энди ҳеч қаёққа бориб бўлмаслиги кўриниб турган» йўлга кириб қолганлиги тўғрисида ўйларди.

Толстойнинг кундаликлари ва хатларини қайта-қайта ўқир эканман, ўз-ўзимга неча бор шундай савол берардим: даҳонинг бадиий ижоди ва фалсафасидаги ғоялар нимадан иборат? Бу тарих моҳияти жиҳатидан ижтимоий воқеа эмасмикин? Толстой идеаллар юксак бўлишини, турмуш эса бемаъни бўлиши ва аксинча турмуш юксак бўлиб, идеаллар эса қабиҳ бўлиши мумкинлигини биларди. У деҳқонга нисбатан сохта меҳр билан му-

(Давоми 2-бетда).

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 3,16 | 45,68 | 2,40 | 19,97 |
| Қашқадарё | 2,50 | 29,93 | 2,39 | 19,80 |
| Фарғона | 2,05 | 24,45 | 0,87 | 2,79 |
| Андижон | 1,63 | 23,93 | 0,74 | 2,80 |
| Наманган | 2,09 | 21,09 | 1,53 | 4,71 |
| Сурхондарё | 2,10 | 19,07 | 2,71 | 11,62 |
| ҚҚАССР | 2,24 | 18,61 | 2,14 | 11,79 |
| Бухоро | 1,83 | 16,20 | 0,55 | 2,23 |
| Тошкент | 1,44 | 12,12 | 1,42 | 4,70 |
| Самарқанд | 0,68 | 5,76 | 0,19 | 0,91 |
| Сирдарё | 0,60 | 5,06 | 0,60 | 3,32 |
| Республика бўйича: | 1,75 | 19,05 | 1,32 | 7,27 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Наманган | 1,98 | 35,68 | — | — |
| Сурхондарё | 2,25 | 20,14 | 4,16 | 15,00 |
| Қашқадарё | 1,42 | 13,13 | 1,91 | 7,01 |
| Самарқанд | 1,36 | 11,91 | — | — |
| Бухоро | 0,34 | 2,16 | — | — |
| Республика бўйича: | 1,90 | 17,27 | 3,20 | 11,57 |

## ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 23 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | |
|---|---|---|
| Қашқадарё | 3,2 | 132,9 |
| Сирдарё | 2,3 | 120,5 |
| Тошкент | 1,9 | 112,9 |
| Наманган | 6,8 | 110,7 |
| Сурхондарё | 4,1 | 109,5 |
| Қорақалпоғистон АССР | 4,2 | 87,9 |
| Хоразм | 4,5 | 87,9 |
| Бухоро | 6,6 | 86,2 |
| Самарқанд | 6,5 | 72,7 |
| Андижон | 4,4 | 71,5 |
| Фарғона | 7,5 | 62,1 |
| Республика бўйича: | 4,3 | 100,0 |

## ЎЗ КУЧИМИЗ БИЛАН

Колхозимиз деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Лўппи-лўппи очилган оппоқ пахталар йиллик план ва мажбуриятларимизни ортиғи билан бажаришимиздан далолат бериб турибди. Хўжалигимизда ҳозир терим авжида.

Йўлдош Тоғаев бошлиқ бригада аъзолари Қизбиби массивида мўл ҳосил етиштирдилар. Бригада колхоз хирмонига ҳар куни йиллик планнинг 10-13 проценти миқдорида пахта тўкмоқда. Коллектив планни бажариш арафасида.

Абдураҳмон Муҳаммадиев бошлиқ бригада аъзолари эса 120 гектар ерда етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиштириб олиш чораларини кўришмоқда. Ҳар куни хирмонга планнинг 7-8 проценти миқдорида пахта қўшилмоқда.

Бошқа бригадаларда дефолиация қизғин амалга оширилмоқда. Кунига 150—160 гектар ерга дефолиантлар сепилмоқда. Машина теримига тайёр бўлган майдонларга яқин кунларда агрегатлар олиб кирилади. Ҳожимурод Искандаров, Сайдулла Тўраев, Турсунбой Нормуродов сингари суворийлар бу йилги мавсумда 170—200 тоннадан пахта териб беришга қарор қилишган. Хирмонни ҳашарчиларсиз, асосан колхозчилар кучи билан тиклаймиз.

Ўтган йили пахта топшириш планини областда биринчи бўлиб бажаргандик. Бу йил 2010 гектар ерга чигит экиб, меҳр билан парвариш қилдик. Шу кунларда пахтакорларимизнинг бутун диққат-эътибори — 6600 тонналик хирмонни бунёд этишга қаратилган.

**А. ҚАЛАНДАРОВ,**
**Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.**

25 СЕНТЯБРЬ — МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

## ТУБ ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

КПСС XXVII съезди машинасозлар олдига машинасозлик комплексини тубдан реконструкция қилиш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, серунум машина ва асбоб-ускуналарни кўпроқ ишлаб чиқариш, энг янги технологияни жорий қилиш вазифасини қўйди. Тармоқ ходимларининг профессионал байрамига бағишланган тантанали йиғилишда шу вазифани ҳал этиш йўллари ҳақида гаплашиб олинди.

Йиғилиш Ўзбекистон Халқ хўжалик ютуқлари виставкасида 23 сентябрь куни бўлиб ўтди.

Ўзбекистон машинасозлик корхоналарининг меҳнат коллективлари туб иқтисодий ислоҳотни яна ҳам қатъият билан амалга оширишлари, хўжалик юритишнинг янги шароитларига дадилроқ ўтишлари лозимлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Бу ишдан ҳеч ким — янги техникани яратувчи конструкторлар ҳам, ишлаб чиқариш командирлари ҳам, оддий станокчилар ҳам четда турмасликлари керак. Тармоқда ҳали кўпгина фойдаланилмай ётган имкониятлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, тармоқдаги энг яхши корхоналарнинг тажрибасини кенг ўзлаштириш шу имкониятлар жумласига киради. Машинасозлар халққа керакли моллар ишлаб чиқаришга, пулли хизматлар кўрсатишга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов қатнашди.

(ЎзТАГ).

## ИЖАРА ПУДРАТИ — АМАЛДА

Агросаноат комплексини бошқариш республика олий мактабида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети кадрларнинг ишлаб-чиқариш-иқтисодий таълими кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Область агросаноат комитетлари ва район агросаноат бирлашмалари раисларининг ўринбосарларининг республика агросаноат комплексини иқтисодий ва социал ривожлантиришга доир бир ҳафталик ўқишига якун ясалди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни Ўзбекистон хўжаликларида ижара пудратини жорий этиш муаммоларига қаратдилар. Бу усул қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг ғоят муҳим шарти, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш негизи эканлиги таъкидланди. 1988—1989 ўқув йилида агросаноат комплекси кадрларининг иқтисодий ўқишини ташкил этиш юзасидан конкрет тадбирлар плани ишлаб чиқилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Давлат агросаноат комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ)

